5.40 - 5.55 Тонти наеволар.

6.55 Дастаннинчи оилиши.

7.00 «Салом, ёштар!».

7.40 «Мультипанорама».

8.00 Миллий сериал: «Каминанын

сиясы».

8.30 «Азаспор гулдастыры».

8.40 «Атамалыттар».

9.00 «Гүзәллар күрті» /рүс/.

9.50 «ИзЕХ».

10.10 «Давар».

10.30 «Шарқ, гавары».

11.10 «Ер сарайесі», 5-күнш.

12.00 Миллий сериал: «Тұташ

тәжірибелер».

12.30 «Джокер».

13.00 «Давар».

13.10 «Давронин боласы».

13.20 «Коря јарак», М/с.

13.40 «Тошкент итхомпари».

13.50 «Наима».

14.00 «Салом, ёштар!».

14.20 «Руслан мактабы».

15.00 «Джокер».

15.40 «Бекжанов авлод».

16.00 «Давар».

16.10 «Дарвинг боласы».

16.20 «Мультипанорама».

16.30 «Салом, Нарыз!»

16.50 2010 - Баркамол авлод: Илии:

«Келекже».

17.00 «Табасуун күп!».

17.30 «Салом, Еркүнчүлүк».

18.20 «Батыс мажи».

18.30 «Ишкен сирлари».

18.50 «ИзЕХ».

18.55 «Бекжанов сары».

19.00 «Давар».

19.30 Миллий сериал: «Тұташ тәжірибелер».

20.20 «Күлем наеволар».

20.30 «Бүгүн».

21.00 «Күннүү».

21.55 «Салом, орталықты!» /рүс/.

21.55 «Наурыз наевидон».

22.00 «Давар».

22.30 Киноклассика: «Брэйлиянт күп!».

00.00 «Мұхабат изори».

00.05 «Руғур да андиша» /рүс/.

1.00 «Орт тиңчилиги».

11.05 Тенис. WTA турниры.

12.15 «Пробиринг».

13.00 Ракетбол, националар, рейтингтер.

14.00 Боланд майдончасы: «Спорттандыр».

Мультфильм.

14.25 «Ихом».

14.45 ХАБАРЛАР.

15.05 ХАБАРЛАР.

15.45 ХАБАРЛАР.

16.00 «Давар».

16.10 «Чемпион».

16.30 ХАРАКИНАДА.

17.00 «Саломатик жазинаси».

17.30 «Файтер».

18.00 «БРЕНД - РИНГ».

Интеллектуалдык.

21.45 ХАБАРЛАР.

22.00 Саломатик жазинаси.

22.05 «Аптека слушает».

22.50 Интерфутбол.

РОССИЯ 5

04.30 «Борисьюс» на русском языке

08.20 «13.30 Новости культуры»

08.20 «В главной роли...» по Юльяна

Макарова.

08.50 Худ. фильм «Шумы, городок»

10.20 «Мирровые сокровища

культуры», «Дом Тунгендатов. Жизнь в мире обстановок».

10.40 «Танец счастья со змеями»

11.40 «Художественные музеи мира»,

«Музей Сегантини. Дом художника,

воспевший Алпы»

12.10 Сериял «Бечевин. Вечный зов»

13.15 «Камень на камне. Церковь

аббатства Сент-Антона около

Монте-Карло».

13.35 Оpreadрация Гоголя. «Русской

чистой анекдот»

14.00 «В музее - без поваров».

14.15 Мультифильм «Смотрите как

посмотрят»

14.25 «За семьи печатаю»

14.45 «Любовь и смерть любви».

Предложение истории»

15.20 «Разочарование». Хроники

литературной жизни. Ведущий

Николай Александров

15.50 «Демокрит»

16.00 «Анна Бовшук. Жизнь потеряв

сторону».

16.45 «Вокруг смеха. Нон-стоп».

17.30, 21.30 Новости культуры

17.55 «Софьи»

18.35 Худ. фильм «Облако»

20.15 «Линия жизни». Алексей Учитель

21.10 «Мирровые сокровища

культуры», «Днины. Сердце Европы»

21.50 Худ. фильм «Ганза озеро»

23.25 «Кто там...»

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал «Добре

е».

08.00, 11.00, 14.40 Новости

08.30 Мезапах +

09.30 Модный приговор

10.20 Контрольная закупка

11.20 «Часто».

12.20 «Детективы».

13.00 Другие новости

13.25 Понятие. Простить

13.45 «Семейное убийство. Семейное

убийство».

15.20 Сериял «Стальной колпак».

15.50 Федеральный судья

17.00 Вечерние новости

17.20 «Поле чудес».

18.20 Сериял «След».

18.55 «Пусть говорят».

20.00 «Время».

20.30 Сериял «Семь жен одного

холостяка».

21.30 Гарик Сукачев. «5:0 в мою

пользу».

22.30 Комедия «Лезгинская славы».

РОССИЯ 1

05.00 «Утро России»,

09.05 «Мульсаман».

09.15 «Мой серебряный шар. Ледяные сказки».

10.10 «Сроки в номер 2».

11.00 «Вести».

11.30 «Местное время. Вести - Москва».

11.45 Т/с «Тайны следствия».

12.45 Т/с «Территория красоты».

13.40 «Тайны. Декоры частные».

14.00 «Вести».

14.30 «Местное время. Вести - Тверь».

14.50 Т/с «Вызов». «Отражение».

15.45 «Суд идет».

16.30 «Купидон и партнеры».

17.00 «Вести».

17.15 «Местное время. Вести - Москва».

17.35 Т/с «Ефросинья».

18.30 Т/с «Дворцы».

19.00 «Словесные эпохи».

20.30 «Местное время. Вести».

20.50 «Сложной ночи, мальчиш!».

21.00 «Ормал».

22.40 Т/с «Смерть. Базир-Мухтар».

00.35 «13 месяцев Егора Гайдара».

НТВ

05.10 Т/с «Такси-2».

06.00 «Сессия угром».

07.30 И снова здравствуйте!

08.30 02.40 Особо опасен!

09.00 12.00, 15.00, 18.00 Седьмая.

09.20 «Средний класс».

10.00 Т/с «МУР есть МУР-3».

11.00 Суд присяжных.

12.30 Т/с «Закон и порядок».

14.30, 17.30 Обзор. «Чрезвычайное происшествие».

15.30 Борис. «Кодекс чести».

18.30 Т/с «Глухарь». «Предложение».

19.30 Чрезвычайное происшествие.

Расследование.

19.55 «НТВники». Попса, зачем мы это слушаем?

20.55 «Табакетка от старости».

21.55 «Женский взгляд» Оксаны Пушкиной. Надежда Бабина.

22.45 «Супертраст» представляет: «Валерий Леонтьев. Книга судьбы».

06.00 «Необыкновенно, но факт» - «Синяя звезда».

07.00 «Такси».

07.35 М/с.

08.30, 09.00, 01.00, 01.30 «Друзья» Т/с

09.30, 10.00, 18.30 «Универ». Ситком

10.30, 11.00 «Счастливые вместе».

Комедия.

11.30 М/с.

13.30 «Н2O. Просто добавь воды» Т/с

14.00, 15.05 «Саша + Маша. Комедия

14.30, 20.00 «Битва экстрасенсов».

15.30 «Сны из Тимберлендов» Х/ф

17.25, 18.00 «Два Антона». Музыкальный симпозиум

19.00 «Наша Россия».

19.30 «Женская лига. парни, деньги и любовь». Комедия

21.00, 22.05, 03.55 «Комедия Клав».

22.00 «Comedy Woman».

23.00 00.00 02.00 «Цим-Цим».

ШВЕЙЦАРИЯ:**Сифатли хизмат**

Швейцарияликларни миллий почта хизмати – Swiss Post фаолияти қониқтиради – мамлакатдаги 15 мингдан ортиқ мижоз ўртасида ўтказилган сўровнома буни исботлайди.

2009 йили почта жўнгатмаларини етказиш хизмати сифати 100 балллик тизимда 92 баллга тенг бўлди – бу бир йил аввалидан бир балл юқорилир.

Айниқса, почтачиларнинг шахсий хусуси ятлари юқори баҳоланди, улар муомаласи ва ташки кўриниши учун 93 балл олиши. Шуниси эътиборлики, 2009 йили компания режадагидан кўра яхшироқ молиявий натижага эришганди. UPS вакилининг айтишича, шу тарзда компания инқизориздан сўнг юзага келган шароитда бизнеснинг янги соҳадарини забт этишда FedEx корпорацияси билан муносаби ракобатга киришмоқчи.

**БОЛГАРИЯ:****Ислоҳотга киришилди**

Болгария почта хизмати фаолияти жорий йилдан қайтадан ўйлга кўйилади. Бу ўзгаришлар билан Болгария почтаси Европа Иттифоқининг мамлакат почта бозорини либераллаштириш талабини бажаради ва фуқароларнинг маъқул нархлардаги универсал почта хизматлардан фойдаланишига имконият яратади. Мамлакатнинг Почта хизматлари тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгаришилар хусусий компаниялар ва замонавий хизматларга ўйл очади.

Болгария почтаси беш компанияга бўлинади ва уларнинг 51 фоиз улуши давлат ихтиёрида қолади.

**РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОГЛАМАСИ
ЖАМОАСИ**

Наврӯз байрами муносабати

*билин барла ватандониларга
саъдий тилакларини ўзлайди,*

Хонадонингиздан
баҳт-саодат, фаровонлик
аримасин.
Мустаҳкам соғлиқ ва
муваффақиятлар доимий
ҳамроҳингизга
айлансан.

Эзгулик ва гўзаллик сизни тарқ этмасин!

АҚШ: Иш ўринлари қисқаради

Жаҳондаги энг йирик экспресс-элтув хизмати операторларидан бири – United Parcel Service Inc. АҚШдаги 1800 иш ўринини қисқартириши режалаштирумокда. Бу бизнесни қайта ўйлга кўйиш, бўлимлар ва бошқарув аппарати сонини қисқартириш ҳисобига амалга ошади.

Хусусан, Кўшма Штатлардаги амалиёт марказлари сони 46тадан 20тага камайтирилади ва кичик пакетларни етказиш соҳасидаги ишлар замонавийлаштирилади. Шуниси эътиборлики, 2009 йили компания режадагидан кўра яхшироқ молиявий натижага эришганди. UPS вакилининг айтишича, шу тарзда компания инқизориздан сўнг юзага келган шароитда бизнеснинг янги соҳадарини забт этишда FedEx корпорацияси билан муносаби ракобатга киришмоқчи.

ЯПОНИЯ:**Почта ҳукумат назоратида**

Япония Ички ишлар ва алоқа вазири Казухиро Харагучи Japan Post Holdings Co. холдинг компанияси ва почта хизмати кўрсатувчи Japan Post Network Co. компанияларини ягона компанияга бирлаштириш ниятида. Бунинг ҳисобига почта фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалар сони учтага қисқаради: банк ва сугурута почта хизматлари (Japan Post Bank and Japan Post Insurance) учдан бир акция эгаси – холдинг иктиёрида қолади.

Почта гурӯхи устидан назоратни кучайтириш эвазига ҳукумат уни қайта шакллантиришга киришади.

АВСТРАЛИЯ: Эски телефонлар**қайта ишлашга**

Австралия почта хизмати ўз мижозларидан ишлатилмаётган эски мобил телефон аппаратларини қайта ишлаш учун жўнатишларини сўрмокда. Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда таҳминан 16 миллионта телефон аппарати ишлатилмай чанг босиб ётиби.

Яшил қитвада байрамлар муносабати билан яқинларига телефон совга қилиш урф бўлган, ўз-ўзидан, кераксиз телефонлар кўпаймоқда. Уларнинг 90 фоизини қайта ишласа бўлади.


**ГЕРМАНИЯ:****Нархлар****оширилмайди**

Германияда хот ва открытикаларни етказиб бериси нархлари жорий йилда оширилмайди. Deutsche Postnинг нархларни назорат қилувчи федерал тармоқ агентлиги бу борада тегишилди қарорга келди. Стандарт хатларни етказиш нархлари, саккиз йилдирки, ўзгаргани йўқ (1,55 евро) ва аксинча, хизмат кўрсатиш сифати йил сайин юқори поғонага кўтариляпти.

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

ФАРГОНА ФИЛИАЛИ жамоаси

*Барча юртдошларимизни
кириб келаётган
Наврӯзи олам
билин муборакбод этади ва уларга
эзгу тилакларини изҳор қиласди.*



Азизлар, бутун борлиқни ўйғотиб,

**дилларга ажиб тўйғу ила кириб келаётган
Наврӯз барчангизга муборак бўлсин!**

“Париждаги дүстим билан бирга нонушта қилдим” ёки веб-камера имкониятлари

Мақоланың сарлавағаси дұст-әрләри, фарзандлары узоқ сафарда бұлған-ларнинг күзіга иссик құрингандыр ехтимол. Тұғыр топдыммі? Сизде қандай билімдам - у лекин мен учун веб-камера маълум муддат энг яқын дүстүмдек бұлғып қолғанды. Айнанча, хориждегі талаба мавқеіде беш йил яқыншарымдан узоқда бұлған чөгим-да жажжигина веб-камерамынға пе-шонасыдан бир неча бор силап күйгінәндемді. Чunksу мен мінг ҳәсти-мін гүвончлу, согинчы онларни бот-бот тұхфа этарди. Фан-техника тарақ-күйеті аввалига инсонлар күлігін фотокамераны, кейін видеокамераны, ана ундан сүнгей веб-камера атальмыш мұйыжизан тұтказды.

Биринчи веб-камеранинг яратилиш жараби жуда оддий, бироқ ноодатий бўлган. Ҳаммаси Кембриж университетининг компютер лабораториясидан бошланади. Гап шундаки, 15-20 киши учун лаборатория биносида факат биттагина қаҳва қайнаттич бор эди. Кўпинча ана шу қаҳва тайёрлагидан хабар олиш учун ишни ташлаб, юқори иксита қаватга кўтарилиш талаб этиларди. Аммо, қаҳважўлар оддий адомлар эмас, олимлар эди. Улар вақтини илмий ташкил этиш ниятида қаҳванинг ҳолидан хабар олишининг бошқа бир усулини ўйлаб топдилар. Олимлар кичрайтирилган кадрлар оладиган видеокамеранинг қаҳва қайнаттич турадиган хонадаги ва ўзларининг лабораторияларидаги компютерларни таъминлаштиришади.



терга улаб күйдилар. Видеокамера веб-сервер орқали ҳар уч дақиқада янгилини турдиган оқ-кора тасвирни кўрсатга бошлиди. Бу воқса 1991 йилда бўлиб ўтанди. Веб-камера аслида рақамли фотокамера хисобланади. Факат фотокамера бир сонияда битта кадр ололса, веб-камера худди видеокамера сингари 20-24га кадрни сиккӣ ҳолда интернет орқали веб-кенгликларга жўнатади. Фото ва видеокамерадан фарқи, у реал вақғда, яъни онлайн тизимда ишлайди.

Замонавий веб-камера объектив, оптик фільтр ва асосий чип-картдан иборат бўлиб, у видеосуратларнинг ҳажманинг қискартириб, рақамни кадрларга алмаштирида. Бутунги кунда веб-камеранинг имконияти туфайли жуда кўплаб тижорат сайтлари, саёҳат агентликларининг веб-манзизларида реал вақтда тўғридан-тўғри маҳсулот, супермаркет ёки саёҳат жойларини томоша қилиш имконияти мавжуд. Бу истеъмолигилар, мижоз-

ларни жалб этишнинг ишончли йўли ҳисобланади.

Уумуман олганда, веб-камералардан асасон чаттарда, яны онлайн сұхбаттардағы фойдаланнаны. Буни виртуал оламны реаллаштыриш ёки гойбона оламда дайыр күрішмокшык, дегенде ҳам тушунниш мүмкін. Узоқ жүргедиги дүстүнгиз ёки номағым виртуал сұхбат соңынан билан видеочат үрнитеңсанғиз, бир-бириңизнан күршиша овозин-ғиздин шештиси имконияты мағажуд бўлади. Веб-камера ёрдамидан кўрик-лаш хизматлари хавфсизликни таъминлашда, Дан ходимлари йўллардаги тартиғисизликларни кузатишди текширишда, веб-сайтлар ўз маҳсулотларни реклами килишда, ўқитувчи ва та-лабалар масофавий ўқитиши тизимида, ота-онарлар эса болалар бояғасидаги фарзандларни ҳолидан хабар олишида, онлайн сұхбатларда ва яна кўтлаб бошқа мақсадларда фойдаланишмок-да. Веб-камера шароғати билан катта ахамиятта эта анжуман ва мажислар ҳам видеоконференция кўрининида утиказмокса. Бу кўтлаб жаражатларнинг олдини олиши тайин.

Хуллас, "жимгина" ўз ишини ба-
жарадиган бу техник "кулоқ"нинг бе-
ражак имконияти инсонларнинг
кўпгина мушкулликларини ёнгил-
лаштирум оқда.

Қобилжон ҚУРБОНОВ,
«Ўзбектелеком» АК
«ШАК» филиалы
2-ШИМАТБ 5-КБ мухандиси

Болаларга беэътибор бўлмайлик

Фарзандларимдан уч нафари алокачи. Улар "Xabar" газетасига обуна бўлишган. Шу сабабли нашр менга хам энг якин сухбатдош бўлиб колган. Унинг хар бир сонини колдиримай кузатиб, соҳадаги муҳим янгиликлардан ўз вактида хабардор бўлиб боряпман.

Яқында журналист Лутфилло Турсуновнинг "Тараққиёт, технология ва... спорт" сарлавҳали мақоласини ўқиб чиддим. Унда чиндан ҳам foят долзарб мавзу қаламга олинган. Дарҳақиқат, муаллиф ёзганидек: "...Бундан ўн йилча аввал ақлимизга сифмаган қуалайликларни ахборот технологиялари ёрдамида бугун амалда кўллаб турибмиз". Истиқтол берган бебаҳо имконият узомизни яқин, ташвишимизни енгил ва ҳисобот ишларимизни унумли қилди. Бирок, олманинг икки палласи бўлғани каби фаолиятнинг фойдалари ва зарари жижатлари ёнма-ён бўлиб қолмоқда. Бу ҳол, айниқса, келажагимиз эгалари соглиғига салбий таъсир этиши мумкинлигидан мақолада ҳақли ташвиш билдирилган. Ўз навбатида, "Машгулотлар қўйнаб кўймаслиги ва зўрма-зўраки ўтмаслиги учун ҳар ким ўзига ёқсан спорт турнирни ташкиланадиган" дегани

таклифни ўртага ташлайди музалиф. Тўғри, компьютер техникада-ри – тараққиёт меваси, улардан фойдаланишида меъёрга амал қилинган ҳолда жисмоний тарбия билан шуғулланган турилса, муаммога ҳожат қолмайди. Мен спорт соҳаси фаҳрийларидан бирин сифатиди шундай демокдаман. Чиндан ҳам спорт саломатлик гарови ва муҳофазаси. Велоспорт мусобақаларининг вилоят я ва республика босқичларида иштирок этган чоғларим бунга яқъол ишонч ҳосил қылганман. Күшдай енгил юриб, ҳориб-чарчашиб нималигини билмасдим. Компьютер ёндида соатлаб шуғуллангаётган катталар ва болаларга вақти-вақти билан спорт машгулотларини канда қымасликларини маслаҳат бераман. Ана шундай компьютер касалликлари ҳеч қачон безовта қылмайди. Шу ўринда ота-оналарга айтадиган иккиси оғиз гелин бор.

Маълумингизким, истиқол йилларида нақирион авлодга эъти-
лиги ва зурма-зураки утмаслиги
учун ҳар ким ўзига ёққан спорт
турини танлаши лозим”, деган
обиги галим бор.



бор ва таъмхурлик тобора ошмоқда. 2010 йилнинг Баркамол авлод иили деб эълон қилингандиги эса яна бир қувончли воқеа бўлди. Улуғвор мақсадларимизга эриши ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама комил инсон булиб вояғта этишишига боғлиқ. Шундай экан, фарзандларни ўстиришда доимо кўз-кулоқ бўлиб турайлик. У қаерда, ким билан юриди, нима билан машғул? Сизни бундай саволлар соат сайин безовта қўйса, нур устига нур бўлади. Уйда, йнтернет-кафеда компьютер билан шугула-наётган болаларимиз фаолигитини назоратта олсак, уларнинг соглиғига ҳеч қандай зарап етмайди. Бир сўз билан айтганда, болаларимизга асло безътибор бўлмайлик, ана шунда кўзлаган орзу-умидлари мизга албатта эришамиз.

*Абдираим ГУЛМАТОВ,
мөхнат фахрийси,
Сурхондарё вилоати*

Цивилизация
ривожининг бугунги
замонавий боскичида
ахборот нафқат жамоат
ва давлат институтлари
фаолигига, балки хар
бир инсон хаётида ҳал
килувчи рол йўнамокда.

Симсиз алоқа тизимларида ахборот ҳимояси

Биз, ярни бугунгү күн ёшлары
бу соҳанинг ижтимоий, сиёсий,
иқтисодий ва бошқа оқибатлари-
ни тушуниб этишимиз керак. Ах-
боротни ҳимоялаш эса ҳали
кўнглайдигидек эмас. Ҳозирда сим-
сиз тармоклар одамларга симли
уланишсиз ўзаро боғланишларига,
ўзларига кулаган жой-
лариди электрон почтадан фойдаланишларига ёки веб-саҳифалар-
ни кўздан кечиришларига имкон
беради. Бу силжини эркинлигини ва
уй, шаҳар қисмларидаги ёки ду-
нёнинг олис бурчакларидаги ило-
валардан фойдаланиш имконини
таъминлайди. Энг муҳими, боғла-
нишнинг компютер курилмалари
орасида амалга оширилишидир.
Бироқ бошқа соҳалардагидек, бу
симсиз алдоқа тизимлариди ҳам
турли таҳдидлар, ярни “хужумлар”
бўлмоқда. Булар асосон компютер
тармомигада маълумотлар базаси-
га бостириб кириш ва маълумот-
ларни модификация қилиш,

қиёсий маънода айтадиган бўлсак “бўғиш”, “база станциясини бўғиш”, “хизмат кўрсатишдан воз кечиш” ва шу кабиллардир. Тармоқларда бўғиш атайин ва атайдин бўлмаган бир интерференциянинг алоқа каналидаги жўнатувчи ва қабул қиливчи имкониятидан ошгандা содир бўлади. Натижада бу канал ишдан чиқади. База станциясини бўғиш уни хужум қиливчи станция билан алмаштиришга имкон яратади. Шу билан биргя, бу хизматдан фойдаланишдан воз кечишига олиб келади. DOS (Denial of Service — хизмат кўрсатишдан воз кечиш) хилидаги хужум тармоқни бутунлай ишдан чиқариши мумкин. Яъни, бутун тармоқда, жумладан, база станцияларида ва мижоз терминалларида шундай кучли интерференция пайдо бўладики, натижада стансиялар бир-бирлари билан боғлана олмайдилар.

Хозирги кунда бу тармоқ технологияларининг аксарияти лицензияланмаган частоталардан фойдаланади. Шу сабабли кўпига курилмалар — радиотелефонлар, кузатиш тизимлари ва микротўлқинли печлар — симсиз тармоқ ишига таъсир этади. Бу тасирлардан ҳимояланиш учун замонаталабига мос асбоб-ускуналар, энгаввало, база стансияси барпо этиладиган ҳудудни синчиклаб ўрганиш, таҳдил қилиш лозим. Шу жумладан, лицензияланмаган частоталардан фойдаланиш чораларини бартараф этиш керак. Бу ҳақда кейинги мақолаларимизда батағсиз маълумот берамиз.

*Абдиҳамид ШУКУРОВ,
ТАТУ Қарши филиалы
1-босқич талабаси*

НАМАНГАН

Талаб ва эҳтиёжга кўра

Вилоятимизда кейинги йилларда телекоммуникация тизимиға энг илғор технологияларни жорий этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Албатта, бу каби бунёдкорлик ишлари биз алокачиларни чексиз кувонтиради.

Шу ўринда туманимиз алоқа хизматида ўйлга қўйилаётган ишлар ҳам кўнгилга гурур багишлади. Бизнинг Косонсой телекоммуникациялар боғламасида 52 нафар ходим хизмат қиласди. Туман бўйича телефон станцияларида ўрнатилган сим 12304тани ташкил қиласди.

Кейинги икки йил давомида Хуррият, Жомий, Охунбоев, Чорбог, Озод маҳаллалари ва Коносон қишлоқ фуқаролар йигинларидаги 610та хонадонга телефон ўрнатилди. 2-Косонсой АТСидан эса 619та хонадонга кабел тортилиб, телефонлаштирилди. Аҳолининг маблаглари хисобига Андижон кабел заводидан кабеллар олиниб, жами

1349та хонадонга телефон ўрнатилишини ёкинилди. Бевосита "Наманган Телеком" филиали ёрдамида эса 2-ЭАТСга қўшимча 712та рақам ўрнатилиб, унинг сифим 1216тага кўпайтирилди. Обод мавзесидаги эски станция С&C08 русумли "Хайвей" АТСга алмаштирилди. Кишлак жойларидаги Гурмирон, Испарон, Ободон, Бомраха, Юмалошай мозор, Бухоро, Худойбердине маҳаллаларидаги аналог станциялар ўзимизда ишлаб чиқарилган "Коинот Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмаларига алмаштирилди.

Ҳозирда туманимиз аҳолисининг IP телевидение ва интернетга

бўлган қизиқиши кескин ошган. Бу йўналишда ҳам изланишлар олиб боряймиз. Интернет учун ишлатилиб келинган 60 рақамли ускуна 192 сигимлигига алмаштирилди. 2-Косонсой станциямизга эса янги 24 сигимли ускуна ўрнатилди.

Йил охиригача АТСларга ўрнатилган сигимлардан фойдаланиш коэффицентини 98 фоизга етказишни режалаштирганимиз.

Юқорида таъкидлаганимдек, аҳолининг телекоммуникация хизматларига бўлган талаби жуда юқори. Ана шу талаб ва эҳтиёжга қараф иш юритиш, сифати алоқа хизмати кўрсатиш бош мақсадимиз бўлиб қолаверади.

**Зокиржон ҚАЛАНДАРОВ,
"Наманган Телеком" филиали
Косонсой телекоммуникациялар
боғламаси бошлиғи**

АНДИЖОН

Ижод йўли

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ёзувчи ва журналист Восит Аҳмад тавалидунинг 50 йиллигига багишланган "Эзгуликка йўргилган умр" мавзуусида алабий-мусикчали тадбир утказилиди.

Тадбирни ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари раиси Хуршидабону очиб, йигилганларни Восит Аҳмаднинг ижодий фаoliyati билан танишитирди. Шундан сўнг ёзувчини таваллуд айёми билан вилоятдаги ижодий уюшмалар аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, бирга ўқиган ва ишлаган ҳамкаслари табриклиб, унга ижодий баркамоллик тиладилар.

Тадбир давомида Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимлари раиси Н.Сайдов ва "Андижоннома" газетаси бош муҳаррири ўрингосари А.Абдуллаевларнинг шеърий табриклари, Андижон санъат коллежи талабалари томонидан тайёрланган ёзувчи қаламига мансуб "Сиз шохидла юрсангиз..." номли ҳажвиядан саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолидири.

Р. ЮСУПОВА
Бобур номидаги Андижон вилоят АКМ сектор мудири

КАШКАЛАР

Сайдо Насафий номидаги Кашкаларё вилоят ахборот-кутубхона марказида "Ижро интизомини яхшилаш" мавзууда ўкув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ижро интизоми

Семинар вилоят АКМ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят Давлат алоқа инспекцияси ҳамкорлигига ташкил этилиб, унда вилоят алоқа ва ахборотлаштириши тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, иш юритувчилар, кадрлар бўлими ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлиmlари бошлиқлари, референт-котиббалар иштирик этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-қарори ҳамда 2010 йил 12 февралдаги 10-қарори йигилиши баёни тўғрисида вилоят ДАИ бошлиги Зафар Боймиров, ижро интизомини талаблар даражасида амалга ошириш чора-тадбирлари, иш юритишни мақсадли ўрганиш, режали текширишлар давомида ижро интизоми бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисида вилоят ДАИ инспектори Собир Бобоев ва бошқа мутахассислар мъбоди қандилар

Ўкув-амалий семинар давомида корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган иш юритувчи мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Афтониди ИСМОИЛОВ

Табриклий.ниш!

"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Тошкент филиали
жамоаси Ҳолид КОМИЛОВА,
Галина ИЛЬИНА,
Шахноза ИСКАНДАРОВА,
Гулзода НАСРИДДИНОВА
ва Абдулхай ШОТЕМИРОВларни
таваллуд айёмлари билан
кутилади. Уларда бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва ишларни мувоффақиятлар тилайди.

ФАРГОНА

Маърифат ўчоғи

Президентимиз И.Каримовнинг 2006 йил 20 июнданги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги карорини дастурламал килиб олган Охунбоев туманинг Саноат-курилиш коллежи ахборот-ресурс маркази ходимлари ушбу маърифат ўчоғи фаолиятини такомиллаштириш борасида фаол меҳнат килмоқдалар.

Ахборот-ресурс маркази раҳбари Манзура Кенжасева олий маълумотли кутубхонашунусибиблиограф, Тошкент давлат маданият институти кутубхонашунуслиг ўйналиши бўлими-ни тутатган, 27 йиллик меҳнат стажига эга. Ўз иши ва вазифасини жуда яхши билади. Марказнинг Мавзуд Тожиматова, Обиди Солисева, Соадат Мамажонова каби 14 нафар ходими бухгалтерия, тикиучилик, ишлаб чиқариш, компьютер саводхонлиги, пайвандлаш, курилиш, табиий газ тизими сингари ўйналишлар бўйича билим олайтган 640 нафар талабага хизмат кўрсатишмоқда. Марказ ҳозирда 43031та китоб захирасига эга бўлиб, шундан ўкув адабиёти ва қўлланмалари 6301, бадиий-сиёсий, илмий адабиётлар сони 1167тани ташкил этади. Ойимча, Кумтепа,

Янгидўкон қишлоқларининг 720 нафардан зиёд аҳолиси ҳам марказ хизматидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, ҳудуддаги иккита мактабгача тарбия муассасасида шартнома асосида кўчма кутубхона ташкил этилган бўлиб, болалар адабиётидан боғча тарбиялашувчилари фойдаланишлари, ундаги расмлар билан танишишлари учун тез-тез сұхбат-машгулолар ўтказилиб турилиди.

"Фаол китобхонлар" клуби ҳам ташкил этилган бўлиб, клуб аъзолари китоб тарбиботи бўйича турил тадбирлар ўтказишмоқда.

Яқинда коллежда ўтказилган "Президентга мактублар" китобини ўрганишга багишланган тадбирда ўқитувчи ва ўкувчилар иштирок этиб, китобнинг мазмун ва моҳияти ҳақида старли тушунчага эга бўлдилар.

— Баркамол авлод йили муносабати билан ҳудудимиздаги мактаб ва болалар боғчаларига маърифий хизмат кўрсатишни янада кенгайтишини режалаштиридик, — дейди АРМ раҳбари Манзура Кенжасева.

Вилоят миқёсида ахборот-ресурс марказлари ўтасида ўтказилган кўрик-тандовуда АРМ учинчи ўринни эгаллаб, фаҳрий ёрлиқ ҳамда эсдалик соввалари билан рағбатлантирилди. Марказ ходимлари ҳозирда китобларнинг электрон вариантиларини яратиш, мавжуд бешта компютер орқали китобхонларнинг интернетдан фойдаланишларида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда кутубхоначилик билимларини тарбига ўтишни мақсадида услубий қўлланмалар тайёрлаш устида иш олиб боришишмоқда.

Ушбу АРМ иш тажрибаси билан тумандиги Автотранспорт, Риштон туманинг Нефт коллежи, Марғилон шаҳридаги Педагогика коллежи ахборот-ресурс маркази ходимлари атрофлича танишидилар.

Хулоса килиб айтганда, кутубхоначилар марказни маърифат ўчоғига айлантириш мақсадида бутун гайратларини ишга солган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ
Фарғона вилояти

Ўшанда ўн саккизинчи баҳорни қарши олган бўз йигит эди. Йигитлик бурчини ўташга отланар экан сўраши:

— Кўз остингга олган қизинг борми? Бўлса айт. Бошини боғлаб кўйайлик.

Қиз ҳали ўн олтига тўлмаган, мактабда ўқиётган бўлса, айтармиди, “йўқ” деб кўя қолди.

Қозоғистоннинг Актобинск шаҳрида хизмат қилиб юрган кезлари дўстлашри севганинг қизларига мактуб ёзишига тутиналар, у ҳам ёзарди: “Дунёда энг бегубор, энг маъсума бир гўзал гулсан ўзинг...” дег бошлинарди мактублари. Қалбиди ардоқлаган бу сарвиравон қизнинг шательга мунособ сўзларига излай-излай тополмасди ва мактублар тўпланаверарди, тўпланаверарди.

— Бу хатларни нега юбормаяпсан? Қайтиб боргач, этасига ўқиб берасанми? — деб ҳазиллашишарди дўстлари.

Юборомадим, журъат этолмадим...

Армиядан қайтгач, яна сўраши.

— Кўз остингга олганинг борми? Уйлаб кўйайлик. Фалончининг қизи бор-ку, биласанми, сочлари тақими-ни ўпади...

— Йўғ-а.

— Ҳа, бўлмасам, кўшни маҳалладан бироргасини танла. Бири-бидан яхши қизлар.

— Узоққа бориб нима қиласиз.

Мўтабархон опа ўйланиб қолди. Маҳалладаги қизларни санашига тутилди. Ва ниҳоят ўша исм айтилди:

— Кўпайсин... Кўхлиқкина, эслаккина қиз. Ҳовллари қаҷон қараша-ма чиннинек тоза.

— Майли, ўзингиз биласиз...

Қиз ёш, энди билим юртига ўқишига кирган эди. Бир ярим йил-



дан кейин айни қиши чилласида тўйлари бўлиб ўтди.

— Яхши қиз маҳалладан ошмайди, — дейишиди одамлар. — Акмалжон албатта баҳтили қиласди.

Дарҳақиқат, улар баҳтили бўлишиди. Юборилмаган кўнгил битикларини бирга-бирга ўқидилар. Мана, улар йигирма олти йилки, баҳт-саодат огушида. Акмалжоннинг Учкўприк телекоммуникациялар боғламасида ишилаётганига 32 йил, Кўпайсинхоннинг Ёйимга алоқа бўлнимида иш бошлаганига 22 йил бўлди. Акмалжонга муҳандислик ота касб. Отаси ҳам шу жамоада ишлаган.

— Раҳматлик Бойкўзи ака ҳар қандай техникини тузатиш кетаверадиган олтин кўлли радиотехник бўлган, — дейди боғламанинг ишлаб чиқариш муҳандиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими Солиҳон ака Аҳмедов. —

Ўели Акмалжон ҳам отасидан кам бўлмади. Мени устоз деб ҳурматлайди. Ўзи аслида касбимизнинг пир бўлиб кетган. Жуда меҳнаткаш, ҳаракатчан. Ҳунарига ҳам, оиласига ҳам ҳамма ҳавас қиласди. Иқболжон Имомалиев, Жўракўзи Насридинов, Ҳомиджон Нишонов каби йигитларга касбимиз сирларини сидқидил ўргатди, кам бўлмади.

Чиндан ҳам Акмалжондаги ҳаракатчанлик фазилатига қойил қолосаси. Сўяди, суюклисига етди. Эъзозлари, эъзоз кўяпти. Кўпайсинхонни ҳам алоқа соҳасига тортган, тунлари болаларни ухлатиб кўйиб, почта бўлими ишларини, ҳужжатлар юритиш тартибларини сабротоқат билан ўргатган ҳам Акмалжоннинг ўзи бўлди. Аёли турмуш ўртуғининг айттанига кўниб, соҳани танлаганидан сира афсус чекмаган. Аксинча, шукрони давлатда. Ахир, шу ишлари туфайли улар жамиятда ўрин то-

пишиди. Одамлар меҳри-эътиборини қозониши. Тўрт фарзандни ўқитиб-ундиришиди. Иккни қиздан уч нафар невара кўришиди. Асқаржон касб-хунар коллежида ўқиб, энди боғламада ишлана орзушида. Алишержон Марғилон банк касб-хунар коллежини туталлашти. ТАТУ Фарғона Филиалига ўқишига кириш учун қизғин тайёргарлик кўяпти. Репетиторлардан сабоқ олипти.

— Бу ўғлимиз ҳаётини газетасиз тасаввур қилолмайди. Жума куни “Xabar” келдими, деб кириб келади. У ўқишига кирса, худо хоҳласа, менинг ҳам армонларим ариди, — дейди Акмалжон. — Шиддат билан ривожланётган соҳамизнинг ноннига ейиш учун ёшлар албатта ТАТУ-да ўқишилари керак...

Учкўприқда алоқачи онлалар кўп. Бири телекоммуникация, бири почта соҳасини ривожлантиришга узоқ йиллик самарали меҳнатлари билан ҳисса кўшиб келаётган Пўлатовлар оиласи улар орасида алоҳида ўрин тутиди. Айни кунда оиласи иккита ҳурсангичлил кутмоқда. Асқаржонни унашибтиришиди. Бўлғуси келин маҳалланинг энг олди, энг сувуб қизи. Бўлмасам-чи, яхши қиз маҳалладан ошмайди.

Бу шодиёна Акмалжоннинг 50 баҳорни кутиб олган ойдаги энг баҳтили-саодатли кунларидан бири бўлиб қолади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги
муҳбири
Усмонжон ЙУЛДОШЕВ
олган сурат

“ГРАНИТ”

ИЛМИЙ НИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни, жумладан,
барча алоқачиларни гўзал байрам—

Наврӯз
билин куттайди.



Сизларга самимий дил сўзларимизни
йўллар эканмиз, Наврӯзи олам барчамизга
олам-олам қувонч, баҳт-саодат, хонадонларимизга
барака олиб келишини истаймиз!

“О’ЗВЕКТЕЛЕКОМ” АК

“СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон ҳалқини
ва ҳамкасларини
жаннатмонанд юртимизга янада
кўркамлик баҳш этиб кириб келаётган

Наврӯз айёми
билин табриклайди.



Байрам қалбингизга
илиқлик, хонадонингизга
тотувлик олиб кирсин!

ФУТБОЛ

“БҮНЁДКОР” САФАРДА ФАЛАБАГА ЭРИШДИ, “ПАХТАКОР” ЭСА ЎЗ МАЙДОНИДА ЕНГИЛДИ

Биринчи турда “Бунёдкор”нинг бошлангич таркиби қандай бўлган бўлса, “Ал-Ваҳда”га қарши ҳам ўша 11 нафар футболчи илк дақиқадан тўп сурди.

Беллашувда “Бунёдкор”нинг устунилиги сезилиб турди ва Денилсон томонидан киритилган икки гол эвазига мумхим уч очко кўлга киритилди.

“Ал-Ваҳда” (БАА) – “Бунёдкор” (Ўзбекистон) – 1:2 (0:1)

Голлар: Денилсон 37 (0:1), Денилсон 85 (0:2), Ал-Катири 89 (1:2).

Ушбу галаба мамлакатимиз чемпионининг гуруҳда пешқадамлигини мустаҳкамлашига хизмат қилди.

Сколари шогирдлари сафардан уч очко билан қайтган бир пайтда, вице-чемпионимиз – “Пахтақор” ўз майдонида «Ал-Шабабга» қарши кескин ўтган учрашувда 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

“ПАХТАКОР” – «АЛ-ШАБАБ» – 1:3 (0:0)

Голлар: Амадо Флавио, 61 – 0:1. Амадо Флавио, 74 – 0:2. Азизов, 77 – 1:2. Аҳмад Кааби, 90 – 1:3.

КЎЛ ЖАНГИ

ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ТЎРТ МЕДАЛ

Москва шаҳрида Россия, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина ва Непалдан келган спортчилар иштирокида халқаро турнир ўтказилди. Унда ҳамортиаримиз тўртта медалга сазовор бўлиши. Вазни тўқсон килограммдан ортиқ спортчилар ўтасида Мурод Хонг’ураев ва олтмиш килограмм вазни тоифасида Жаҳонгир Абдувоҳидов кумуш медални кўлга киритган бўлса, олтмиш беш килограмм вазни тоифасида Рустам Майдиев ва саксон килограммда Бобур Раҳматов бронза медал билан тақдирланди.

ТЕННИС

САБИНА – БОШ СОВРИН СОХИБАСИ

16 ёшли теннисчимиз Сабина Шарипова Бангладешда ўтказилган кетма-кет иккичи турнирда галаба қозонди.

Сабина дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган иктидорли теннисчилар иштирок этган мусобақанинг яккаликлар беллашувида хиндишонлик Сантиша Нандакумарни 6:0, 6:1, учинчи рақамда сараланган Анкита Раиниши 6:0, 6:2, индонезиялик Синтия Мелитани 7:5, 6:2, хитойлик Мен Нин Денини 6:3, 6:0, хиндишонлик Ратника Батрани эса 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятта учратиб, финалга йўлланма одди.

Финал учрашувда хитойлик Ксанашу Оу билан куч синашиб, 6:1, 6:2 ҳисобида зафар қўчган Сабина Шарипова бош совринни кўлга киритди.

СТОЛ ТЕННИСИ

“КАМОЛОТ”

МАЛИКАЛАРИ АНИКЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириши мажмусида 15-18 ёшли қизлар ўтасида стол тенниси бўйича “Камолот” маликаси” мусобақаларининг финал босқичи якунланди. Унда таинловнинг вилоят босқичларида голиб бўлган саксон тўрт нафар қиз ўзаро куч синашибди.

Якунда Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежи ўқувчи Ситора Шамсиева “Камолот” маликаси-2010” голиб басига айланди.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Юқориҷирик туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Марҳабо Аъзамова, шу туманинг янга бир вакиласи 34-мактаб ўқувчиси Гуланди Шамбилова ҳамда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Саида Қозоқова ўз тенгдошлири орасидаги энг юқори натижаларни кўлга киритиб, “Камолот” маликаси” деб топилди.

ЖАҲОН СПОРТИ

ЕЧЛ: «РЕАЛ»

МУСОБАҚАНИ ТАРК ЭТДИ

Европа чемпионлар лигаси нимчорак финал учрашувларининг жавоб ўйнлари голларга бой ўтмоқда. Айниқса, Англия клублари рақибларини аяб ўтириштани ўйқ, Франциянинг “Лион” клуби эса колдузли таркибга эга “Реал”ни шов-шувли тарзда мусобақадан чикариб юборди.

Натижалар билан танишинг:

“АРСЕНАЛ” (Англия) – “ПОРТУ” (Португалия) – 5:0 (Биринчи учрашув – 1:2)

Голлар: Бендтнер (9, 25, 90-пен), Насри (63), Эбуз (66).

“ФИОРЕНТИНА” (Италия) – “БАВАРИЯ” (Германия) – 3:2 (Биринчи учрашув – 1:2)

Голлар: Варгас (27), Йоветич (54, 64) – Ван Боммел (60), Роббен (65).

«РЕАЛ» (Испания) – «ЛИОН» (Франция) – 1:1 (Биринчи учрашув – 0:1)

Голлар: Криштиану Роналду, 6 (1:0). Пяннич, 76 (1:1).

«МИЮ» (Англия) – «МИЛАН» (Италия) – 4:0 (Биринчи учрашув – 3:2.)

Голлар: Руни, 13 (1:0); Руни, 47 (2:0); Пак, 59 (3:0); Флетчер, 87 (4:0).

Шундай килиб, “Арсенал”, “Бавария”, “Лион”, “МЮ” жамоалари чорак финалга йўл одди. Нимчорак финальнинг янга тўрт учрашуви жавоб ўйинлари келгуси ҳафтада ўтказилади.

ХИДДИНК КОТ-Д'ИВУАР БИЛАН ЖЧ-2010ГА БОРАДИ

Голландиялик таниқли мутахассис Гус Хиддинк Кот-д'Ивуар терма жамоаси билан Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўл олади. 63 ёшли мураббий ушбу жамоа билан шу йилнинг 15 майидан 15 июлигача иш олиб боради.

13 МАРТ: ПАКІО ВА КЛОТТИ

Вазн тоифасидан қатъи назар дунёнинг энг кучли боксчиси Мэнни Пакіо (50-3-2, 38 КО) келаётган дам олиши кунни Даллас (АҚШ)да навбатдаги жангни ўтказади. Унинг рақиби Жошуа Клотти (35-3-0, 20 КО) бўлади.

Ўтганларнинг оҳирати обод бўлсин

Электромагнит мослашув маркази жамоаси радиомониторинг хизмати мұхандиси Абдурасур Исмоилова онаси Любов

Трофимовинанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррир:
Абдусаид КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош мұхаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХЎЈАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шуҳрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХЎЖАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 дебабда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-йй.

Тел.: 233-36-48; 236-35-29.

Факс: 236-36-42.

E-mail: info@xabar.uz

Таҳририята келган кўлжемза ва суратлар эталарига қўйтарилимиади.

Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланни мумкин.

Нащрийиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олингандилити кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матнларининг тўрлилигига таҳририят жавобагар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳақонийлиги учун мақола музалифи масъудидир.

Газетани тайёрлашча интернет материалыдан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нащриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чон этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-йй.

G-202 сонли буортма.
Офсет усулида босилди.
Қозоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табак.

Аллади: 19173 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилиди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

1 3 4 5

ALOQABANK

Хурматли, Футбол ишқибозлари!

Сизларни 2010 йил 13-14 марта кунларни
“Баркамол авлод” йилин ҳамда
Очиқ акционерлик тизкорат «Алоқабанк»нинг
15 йиллиги муносабати билан банк ходимлари
ўтказиладиган мусобақаларга тақлиф этамиз.

Мусобақалар Чирчик олимпиада замонаси
коллежининг катта спорт затида ўтказилади.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри,
Спортивлар кучаси, 19-йй.



Утканларнинг оҳирати обод бўлсин

Электромагнит мослашув маркази жамоаси радиомониторинг хизмати мұхандиси Абдурасур Исмоилова онаси Любов

Трофимовинанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Любов

Исмоиловга онаси Любов

Трофимовинанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

YANGI NASHRLAR

Виртуал электроника

Республикамиз алоқатилари соҳага оид яна бир ўкув кўлланмадан фойдаланиш имконига эга бўлдилар. М.Мухитдинов ҳамда Т.Дадажонов хамма умалифлигидаги бу китоб "Виртуал электроника" деб номланди. Ўкув кўлланмада аналог, рақамли ва куч электроникаси асбоблари ва қурилмаларини компютерда моделлаш масалалари ва тадқиқ қилиш виситалари ба-тағаси ёритилган. Кўлланма иккича қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмидан назарий матдумотлар берилган, иккича қисмидан эса лаборатория ишларни көлтирилган, электр асбоблари ва схемаларни компютерда моделлаш усуллари батағсил баён қилинган ва тегиши маддений ташкиларни screen shot (экран расмлари) кўриннишида тақдим қилинган. Баён қилиш Electronics Workbench ва MATLAB дастурларини кўллаш бўйича кўрсатмалар ва тавсиялар билан биргалиқда олиб борилган.

Кўлланма талабалар, ўқитувчилар, аспирантлар, илмий ходимлар, шунингдек, замонавий электроникани компютердан фойдаланган холда мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган.

Электротехника ва электроникани ўрганишда синаш ва тажрибалар ўтказиш зарурлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Лекин уларни ўтказиш жiddий қийинчиликларни көлтириб чиқариши мумкин (айниқса ҳозирни вақта). Яхши ўкув лабораторияси замонавий ўлчо-жихозларига ва уларни ишчи ҳолатда сақлаб турса оладиган малакали ходимларга эга бўлиши керак. Ўкув юрглари учун бундай лабораторияни ушлаб туриш қийин масаладир.

Кейинги кирк йил ичida электр ва электрон схемаларни хисоблаш виситалари теззик билан ўзгариб борди. Бундай висита сифатидан 70-йилларнинг бошида фойдаланилган логарифмик линейканнинг ўринини 70-йилларнинг иккича ярмида калкуляторлар ва мини ЭХМлар эгаллаб бошли. Мини ЭХМларнинг ўрнига 80-йилларнинг ўрталарига келиб хисоблаш кувватлари ва имкониятлари узлуксиз ортиб бораётган шахсий (персонал) компютерлар (ПК) кўлланила бошлианди. Электрон схемаларнинг таҳлили бўйича ПКларнинг дастурлар тъминоти факат хисоблашларнинг алгоритмлари ва сонли таҳнил усуллари ни ривожлантириш йўналишидагига эмас, балки ҳар турдаги схемалар (аналогли, рақамли, рақамли-аналог, импульс ва бошқалар) билан тажрибалар ўтказиш учун виртуал мухитни яратиш имкониятини берувчи, фойдаланувчи учун кулагай интерфейсларни ўрнатиш йўналишида ҳам ривожланди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ПКнинг фойдаланувчи интерфейсимини яратиш соҳасидаги ютуқлар шударажада таъсирилиши, улар схемаларни тадқиқ қилишга бўлган услубий қарашнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлди.

Персонал компютердан фойдалана-



ниш анъанавий ўкув лабораторияларига мұқобил виртуал лабораторияларнинг яратилишига олиб келди. Виртуал лаборатория, умуман олганда, тадқиқотчининг реал лабораториядаги ҳаракатларини (ишини) имитация қилувчи интерфейсга эга сонли хисоблаш дастуриди. Юқори тезкорлик ва катта ҳажмдаги хотирага эга замонавий шахсий компютерларда хисоблашларнинг сонли усуллари ёрдамида мураккаб моделларни ҳам аниқлуги реал обьектларда ўтказиладиган тажрибалар натижаларидан қолишимдиган аниқликда тадқиқ қилиш мумкин.

Электротехника ва электроникани ўрганиши жараёни схемаларни таҳлили ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ. Ушбу жараёни компютер максимал даражада енгиллаштириши керак. Виртуал мухит компютерда электр ва электрон схемалар устида тажрибалар ўтказиш учун етарли шароитлар яратилган лаборатория вазифасини амалга ошириша ва олинадиган натижаларнинг аниқлуги реал шароитларда олинадиган натижалар аниқлигидан қолишимслиги зарур.

Моделлаш реал жараёнга максимал даражада яқинлаштирилган бўлиши, яъни схемани тузиш, унга ўлчаш асбоблари ва осциллографни улаш, схема элементларининг параметрларини ҳамда ишлаш тартибларини ўрнатиш ва натижаларни олиш жараёнларни ўз ичига олиши керак. Фойдаланувчига бундай имкониятларни берувчи дастурлардан бири Electronics Workbench дастури – компютерда виртуал электрон лаборатория хисобланади. Унга асос қилиб профессионал моделлаш дастури PSPICE олинган бўлишига қарамасдан Electronics Workbench дастури максимал даражада кулагай интерфейсга эга. Унда амперметр, волтметр, мультиметр, генератор ва осциллограф каби таниш асбобларнинг мавжудлиги тадқиқот жараённинг табиий ва тушунали бўлишини таъминлайди.

Дастур таркибида замонавий асбобларнинг мавжудлиги фойдаланувчига оддийдан бошлаб жуда мураккаб тажрибаларгача ўтказиш имкониятини беради. Бундай висита ўқитишида идеал ҳисобланади, сабаби элементлар ва приборлар бўйича ҳар қандай чеклашларни олиб ташлаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, Electronics Workbench дастури реал электрон ва ўлчаш приборлари ҳамда схемаларнинг ишлаш тамойилларини ўрганиш учун тренажёр вазифасини бажариши мумкин.

Electronics Workbench дастурида моделлаш ва натижаларни олиш ўзининг тезкорлиги ва кулагайлиги билан ажralib туради. Лекин тўғри натижалар олиш учун фойдаланувчига дастур билан ишлаш қоидалари ва усулларини ўзлаштириган ва уларни электрон схемалардаги жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун кўллаш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади.

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқини ҳалида
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини яқинлашашётган
энг гўзал ва тароватли айём —*

*Наврӯз
билин қутлағиди.*

*Азизлар, Сизларни муборакбод этишдан юят шодмиз.
Наврӯз хонадонларнингизга фақат яхшиликлар келтирсин!*

"О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ" АК
"АНДИЖОН ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Баҳор элчиси —
Наврӯз айёми
билин барча юртдошларимизни,
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини
табриклайди.



*Тун ва қун тенглашаётган, борлиқ
ажиб гўзаликка тўлган ушбу қунда
хонадонингиздан файзу барака
аримасин.*